



**ОЗОД ШАРАФИДДИНОВНИНГ ПУБЛИЦИСТ СИФАТИДА
АДАБИЁТ ВА ТИЛ МАСАЛАЛАРИДАГИ АСАРЛАРИ ТАҲЛИЛИ.**

Навруз Сувонов

*Ўзбекистан журналистика ва оммавий коммуникациялар
университети талабаси*

Annotasiya: *Озод Шарафиддинов мақолаларида миллийлик, миллий тил, адабиётни англаш, адабий асарларнинг туб моҳиятини тушуниш масалалари. Адабий танқидчиликда сохталик ва ёлгонлардан қочиш, асарларни таҳлил қилишда муҳим жиҳатлари.*

In Ozod Sharafiddinov's articles, the issues of nationality, national language, understanding of literature, understanding the essence of literary works. Avoiding fakes and lies in literary criticism, important aspects in the analysis of centuries.

В статьях Озода Шарафиддинова рассматриваются вопросы национальности, национального языка, понимания литературы, понимания сути литературного произведения. Избегание фейков и лжи в литературной критике, важные аспекты анализа веков.

Keywords: *миллий тил, мафкура, танқидчилик, адабий жараён.*

Дунёда ким кўп, фақат манфаат ўйлайдиган, жони ва ўпкасини қўлига олиб дунёни етиб олмоқчилар кўп. Дунёда ким кўп, ўзим бўлай деган жоҳил бошқарувчилар кўп. Аммо дунёда чин кўнгил эгалари борки, чин туйғулар бор эканки, дунё қулаб тушмасдан мувозанатда келмоқда. Ҳамиша неқбинлик ва салбий ҳисларнинг ўртасида адабиёт деган кўприк хизмат қилиб келган. Яхши маънода бир бирини ушлаб турган. Публицистикада мунозарали мақола деган таҳлилий жанр мавжуд бўлиб, муаммоли, мунозарали мақолалар ёзилади. Ана шундай мақолалардан бири, „Комсомолская Правда« номли газетада бўлиб ўтган, бир инженернинг „Адабиёт керакми?“ деган мақоласи бўлган. Унда, технологиялар, тафаккур ривожланиб адабиёт кераксиз бўлиб қолгани айтилади. „Адабиёт бундан буёғига мутлақо кераксиз, ортиқча нарса«,- деган хулосага келинади. Мунаққид ва адабиётшунос Озод Шарафиддинов ўзининг „Адабиёт - ҳаёт дарслиги« номли мақоласида ушбу фикрни мутлақо нотўғри эканлигини таъкидлайди. Озод Шарафиддиновга кўра, адабиёт - инсон кашф қилган ҳамма мўъжизалар, ҳамма буюк ихтиролар ичида энг буюги, энг улуғворидир. Инсон яшар эканки, ҳеч қачон туйғулар йўқолиб кетмайди, технологиялар ҳар қанча таъсир қилмасин барибир муҳаббат аталган мўъжизавий туйғу, меҳр деган инсоний фазилят, севги деган илоҳий неъматнинг йўқолишига мен ишонмайман. Адабиёт эса буларнинг иникосидир. Шу билан бирга турли омиллар сабаб энг катта бойлик маънавият йўқолиб бораётганини Озод Шарафиддинов афсус билан қайд этади.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Айниқса моддий манфаатлар қаршисида, пул деган „этикод« олдида адабиётнинг, инсоний туйғуларнинг қиймати йўқ бўлиб бораётгани беихтиёр пешонадан совуқ тер чиқариб юборади.

Н. Чернишевский адабиётни „ҳаёт дарслиги« деб атаган. Менимча бу адабиётга берилган энг яхши таърифлардан бири бўлса керак. Ахир адабиётнинг ўзи дарску. Озод Шарафиддинов ўз мақоласида буни маҳорат билан таҳлил қилади.

Адабиётнинг аҳамияти бу даражада юқори бўлмаганда эди, минг йиллардан бери битиклар, „Ҳомер«, „Иллиада« каби дostonлар яшаб келмасди, қанчадан - қанча халқ кўшиқлари вужудга келмасди. Бир сўз билан айтганда, „Адабиёт ҳоётнинг иникоси« деган гап тўла ўзини оклайди. Айниқса бадиий адабиётнинг қиймати бу борада жуда юқори. Озод Шарафиддиновнинг такидлашича, яна бир нарсани унутмаслик керакки, адабиёт ҳаёт дарслиги вазифасини аъло бажариши учун юксак эстетик қийматга эга бўлиши керак. Юзаки, уйдирма, сохта ва буюртма адабиётлар ҳеч қачон асл адабиёт бўла олмайди. Озод Шарафиддиновнинг „Сардафтар саҳифалари« китобида машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг ушбу сўзлари келтирилади. „Агар асар китобхонни рухий ҳаяжонга солишга, унинг эстетик дунёсини бойитишга, унинг яхшилик ва ёмонликка муносабатини ўткирлаштиришга ожиз бўлса, ҳар қанча гап айтгани билан, ҳар қанча фойдали ва ўта муҳим нарсани маълум қилгани билан, ҳар қанча зарур мавзулар ва муаммолар кўшилгани билан бари бари беҳуда - бу чинакам саънат эмас. Аслида ҳам турли сохта адабиётлар ҳеч қачон узоқ яшай олмаслигимни тарих исботлаб келмоқда. Чинакам саънат намуналарининггина инсонлар унутмайди. Сохта адабиёт ҳеч қачон кўнгилга манзур бўлмайди, у бамисоли кўнгилни айнитади. Асл адабиёт эса ҳеч қачон ўлмайди. Шундай экан адабиёт керакми йўқми деган баҳснинг ўзига ҳожат йўқ эканлигини англаш қийин эмас. Бунинг жавоби аниқ адабиёт инсон яшар экан у билан бирга яшайди, инсоният қанча яшаса у ҳам шунча яшайди.

Адабиёт нафақат ҳаёт дарслиги балки адабиётнинг ўзи дарс десак муболаға бўлмайди. Машҳур адиб Абдулла Қаҳҳор „Адабиёт - Атомдан кучлиқ« - дейди. Озод Шарафиддинов унинг кучини нимага сарфлаяпмиз деган савол кўяди. Кўпинча унинг тарбиявий аҳамиятини айтамуз ҳаётда ундан қандай фойдаланамиз.

Аввалги даврда кўпинча бадиий адабиётлар унинг муаллифига ёки мавзусига қараб нима ҳақида бўлиши кераклиги айтиларди. Масалан асар пахтакорлар ҳақида бўлса, пахта ҳосилини яхшилаш, унда техникалардан фойдаланиш ҳақида бўлиши керак деган хулоса бўларди. Агар муаллиф боғбон бўлса асар қандай қилиб боғдорчилик қилиш мумкин деган ақида мавжуд эди деб ёзади Озод Шарафиддинов. Бунга шундай бир мисол ҳам келтиради. Бир танқидчи Шухратнинг „Балоғат« деган ҳикоясининг қимматини лойиҳалар, асосида бамаслаҳат қурилган уй арзон ва пишиқ бўлади деган „ғоясида" кўрган экан. Дехқон ёки пахтакор одам бадиий асарга қараб ишлаб ўтирадим, ёки у ҳам бадиий





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

асар ўқиши мумкинку ахир. Шуни унутмаслик керакки, адабиёт биринчи навбатда инсоншунослик фанидир, инсон туйғуларининг фанидир. Ҳеч бўлмаганда биттагина кўнгилдош бўлган ва ҳаммага алоқадор бўлган ягона фан бу - адабиётдир. Энг катта маънавий бойлик бу адабиёт экани сир эмас. Адабиёт бу бутун инсониятга тегишли бўлган, ҳамма учун алоқадор бир соҳаки уни ғоялар ва мафкуралар учун бўйсундириб бўлмайди. Атомдан кучли бўлган адабиётни ўтиб ёришга сарфлаш инсофдан ҳам эмас. Мабодо шундай бўлганда ҳам пуч ёнғок барибир бир кун чакиради. Тарих бунга жонли гувоҳ бўлиб ҳам улгурди.

Мустақиллик даври бошланиши билан ўзбек адабиётида туб бурилиш бўлгани сир эмас. Яратилган асарларнинг қайта тикланиши, адибларимизнинг қадди кўтарилиши ва уларнинг номи оқланиши ғоят қувонарли ҳолдир. Аммо битта нарсани унутмаслик керакки, аввалги тухумда қанчалик йўқ хислатлар билан ерга урилган асарлар бўлса, кейинги даврда шунчалик йўқ хислатлар билан осмонга кўтарилди. Айниқса Чўлпон, Қодирий каби адибларнинг одамдан олиб авлиё ясалиши кескин ошиб кетдики, бунинг натижасида яна сохтакорлик келиб чиқмоқда. Асл мақсад нима унда, асл мақсад ёзувчи ва унинг асарларининг моҳиятини англашда. Шундоқ ҳам улар сохта тарғиботга муҳтож ҳам эмас, авлиёликка даъвогар ҳам бўлган эмас. Бу эса адабиётшуносларнинг олдида турган катта хизматдир. Асарларнинг туб моҳиятини, асл адабиётнинг туб маъносини англашда доим ҳам яхши натижаларга эриша олмаёпмиз. Худди шу нарса буюк адиб Алишер Навоий билан ҳам кузатилаётганини ва бунинг асл сабабчилари адабиётчилар эканини Озод Шарафиддинов таъкидлайди. Навоийни ҳар бир раҳбар, ҳар бир талаба, ҳар бир ўқувчи ўқиши керак, туб моҳиятини англаш керак.

Иккинчи оғриқли масала шуки, бу тил масаласидир. Афсуски мустақилликка эришганимизга анча йил бўлган бўлсада муддасаддилар ҳамон тил борасида ўта бефарқлик билан ёндошаётганини Озод Шарафиддинов публицист сифатида афсус билан айтиб ўтади. Ҳамон баъзи амалдорнинг давлат тилини умуман билмаслиги, хужжатлар ва қарорлар давлат тилида чиқмаслиги, турли эълонлар рус тилида берилишини Озод Шарафиддинов „Тилда ҳикмат кўп“ номли мақоласида ачиниш билан ёзади. Шу давлатда яшаб унинг тилини билмай туриб, унга хизмат қилиб бўлмайди, негаки бир халқни тилини билмасангиз, уни дилини ҳам билолмайсиз. Бир давлатнинг тилини билмай туриб унда хизмат қилаётган одамнинг мен ўша халқни ҳурмат қилишига сира ишонмайман. Бугуни кунда ҳам афсуски баъзи амалдор ўзбек тилини тузук билмайди. Озод Шарафиддинов ушбу мақоласида тил бўйича кескин чоралар кўриш керак эканини таъкидлайди. Унда Абдулла Қаҳҳорнинг бир гапидан шундай иқтибос ҳам келтиради: „Кўчада бирор одам қоидани бузса, дарров милиционернинг хуштаги чуриллайди, қоидабузар мумайгина жарима тўлайди. Нега энди тилимизни писанд қилмайдиганлар, уни ҳар қадамда бузиб расво қилаётганларнинг мушугини ҳеч ким „пишт“ демайди?“ Бугунги кунда ўзбек тили йўқолиб бораётган элликта тилнинг биттасику. Биз эса





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC
SOLUTIONS

ҳамон пинагимизни бузмаймиз. Ахир, тили йўқ халқ қачон халқ бўлган,
қачон миллат бўлган. Озод Шарафиддинов бунинг нақадар долзарб эканини яхши
англайди ва зарур чоралар кўришга чақиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Озод Шарафиддинов - Танланган асарлар, „Шарқ« - 2019. Тошкент.
2. Абдуғафур Расулов - Истеъдод ва эътиқод, „Шарқ« - 2000. Тошкент.
3. Обиджон Каримов - адабиёт фанидан услубий қўлланма. „Наманган«
нашриёти». 2016 - Наманган.

